

# ТАЪЛИМ ЗИЁСИ

БАРЧАСИ ШУ ЕРДАН ВА ШУ ОНДАН БОШЛАНАДИ

UNIVERSITET  
GAZETASI 1-son  
Gazeta ichida gazeta



## ДАВР БИЛАН ҲАМОҲАНГ

ЧИРЧИҚ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА УНИВЕРСИТЕТИ ЖАМОАСИГА

Аввало, Сиз, азизларни, Сизларнинг тимсолингизда бити-рувчиларимизни ва университетимиз тараққиёти учун ўз хиссасини кўшган барчани “Таълим зиёси” газетасининг илк сони билан чин қалбимдан самими муборакбод этаман.

Ушбу ижтимоий-маърифий нашр ўз олдига қанчалик улкан мақсад ва режалар қўйгани унинг номидан ҳам яққол кўриниб турибди.

Бу нашр янги давр педагогларни тарбиялаш, ёшларимизнинг эришган ютукларини тарғиб қилиш, профессор-ўқитувчиларимизнинг илм-фан ривожидаги роли, маънавий-маърифий мухитни замон талабига мослаш каби мақсадларни ҳаётга татбиқ этишдаги ўрни залворли эканлигининг эътирофи бўлди, десак муболага бўлмайди.

Инсониятнинг кўп асрлар тажрибаси шуни яққол

кўрсатадики, дунёда ўқиган, замонавий илм ва ҳунарларни пухта эгаллаган, ўш авлодини айни шурӯхда тарбиялаган ҳалқлар, давлатлар жадал ривожланмоқда.

Шу ўринда, Янги Ўзбекистонни барпо этишга қартилган қудратли тўлқинига Чирчик давлат педагогика университети ёшларининг кўшилиб бораётгандиги ҳам юксак таҳсинга сазовордир. Маърифий тараққиёт ҳар доимигдан ҳам кўпроқ интеграциялашган ахборот тизимида эҳтиёж сезмоқда.

Ўзига хос ёшлар кўзуси бўлиб майдонга қиёғтан газета университетимиздаги таълим испоҳотлари, факультетлардаги яратувчаник ишларининг аҳамияти ва натижаларини холис ва

хақоний ёритишга, Чирчик давлат педагогика университети жамоаси ва жамоатчилик фикрини шакллантиришга, мавжуд муаммо ва камчиликларни таҳлилий материаллар орқали дадил

кўтариб чиқиб, ахборот маконида муносиб ўрин эгаллашига ишончим комил.

Университетимизнинг мукаммаллиги, бекаму кўст бўлиши учун нима қилишимиз, қандай вазифаларни амалга оширишимиз лозим, деган саволларга жавоб излаганимизда, албатта “Таълим зиёси” газетаси университет жамоасининг иш столи устида бўлиши аҳамиятли. Университетимизнинг бутунлай янгича қиёғасини яратишга хизмат қиладиган фикрларни ушбу газетада ўқишига ишонман.

Унинг саҳифаларидан билим даргоҳимизнинг ҳар бир вакили энг зарур маълумотларни олиши, шу билан бирга, ўзини ўйлантираётгандаги саволларга тўлиқ жавоб топishi, бугунги таълим нағасини чукур хис этишига аминман.

Бунинг учун таҳририят жамоаси ҳаётдан доимо

бир қадам олдинда юриши, миллий ва ҳалқаро таълим майдонида рўй берәётган энг долзарб воқеа ва мавзуларни замонавий ижодий услуг ва илгор ёндашувлар орқали ўз муштарилинига тезкор тарзда етказа олиши, бир сўз билан айтганда, университетимизнинг чинакам маънавий-маърифий ҳамроҳига айланishi зарур.

Ёшларимизда фикр ва қарашлар ранг-баранглиги, сўз ва ахборот эркинлигини таъминлаш, маънавият ва маърифат тарғиботи борасидаги ғоятда шарафли йўлда “Таълим зиёси” газетаси жамоасига улкан муваффақиятлар ва ижодий фаоллик доимо ёр бўлишини тилап қоламан!

“Таълим зиёси” газетаси Чирчик давлат педагогика университети тарихида ёрқин саҳифа бўлиб қолишига ишонман!

Гафуржон МУҲАМЕДОВ,  
Чирчик давлат педагогика университети ректори,  
Ўзбекистон фан арбоби

## УНИВЕРСИТЕТ ТАСНИФИ

Чирчиқ давлат педагогика университети бугунги кунда ўш ва тез ривожланётган университет ҳисобланади. Унинг таркибида 10 та факультет, 1 кўшима таълим, 3 та техникум, 1 та академик лицей ва тадқиқот лабораториялари мавжуд.

Университет Тошкент вилояти таълим тизимида ўқитувчилар ва бошқа мутахассислар етишмовчилиги муаммосини ҳал қилиш мақсадида ташкил этилган. Кейинги йилларда университет ўқитувчиларни тайёрлаш ва ривожлантириш тизимини шакллантириш бўйича улкан вазифани муваффақиятли бажарди. Шу давр мобайнода университет ўз интеллектуал, кадрлар, тадқиқот, ижтимоий-мадданий ва таълим ресурсларини кенгайтириди.

Бугунги кунда университет Чирчиқ шаҳрининг турли қисмларида жойлашган 10 та худудни бирлаштируви йирик таълим муассасасидир. ЧДПУда 23 000 га яқин талабалар турли йўналишларда таълим олади.



Барчаси шу ердан ва шу ондан бошланади

Университетда 20 та магистратура мутахассислиги ва 32 та бакалавриат йўналишида таълим дастурлари амалга оширилмоқда.

Сўнгги йилларда университет кўплаб рейтингларда юқори ўринларни эгаллаб келмоқда. Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги томонидан эълон қилинган Миллий рейтингда педагогика олий ўкув юртлари орасида биринчи ўринни эгаллаган. Нуфузли ҳалқаро QS рейтинг ташкилоти Осиё Университетларининг 2025-йил учун (QS Asia University Rankings - 2025) рейтинг натижаларини эълон қилди. Қуонарлиси, Чирчиқ давлат педагогика университети мазкур нуфузли рейтингда 865-ўринни қайд этиб, минтақадаги энг илгор олий таълим муассасалари қаторида эътироф этилди. Шунингдек, ЧДПУ Марказий Осиё олий таълим муассасалари орасида 61-ўринни, Ўзбекистон Олий таълим муассасалари орасида эса 17-ўринни эгаллади.

ЧДПУ – ўш университет, шунинг учун у ўз олдига янги ва мақсадли ривожланиш вазифаларини қўяди. Натижага фақат рейтингларда эмас, балки амалий ютукларда ҳам намоён бўлади. Бу эса битириувчиларнинг сифати, лойиҳаларнинг масштаблари, Чирчиқ шаҳри инфратузилмасига таъсирида яққол кўзга ташланади.



### Ҳалқаро миёсдаги педагог кадрларни тайёрлаш йўлга қўйилди.

Ҳалқаро миёсда рақобатбардош кадрлар тайёрланмоқда;

Иқтидорли талабалар учун янги имкониятлар тақдим этилмоқда;

Университет талабалари Кембридж ҳалқаро таълим дастурлари асосида дарс бериладиган фанларни ўқитиш бўйича курсларни муваффақиятли таомомлайди ҳамда университет дипломи билан бир қаторда ҳалқаро даражадаги педагог сертификатларга эга бўлишиди.

Университетда дунёнинг TOP-1000 рейтингдаги ОТМлар билан академик мобиллик асосида талаба алмашинуви ни йўлга қўйиш имкониятига ега.

Бундан кутилаётган мақсадлар:

– Ҳалқаро маштабда рақобатбардош кадрлар тайёрлаш;

– Иқтидорли талабалар учун янги имкониятларни тақдим этиш.

## СТРАТЕГИЯ: БИЗНИНГ ҚАДРИЯТЛАРИМИЗ

### “Педагогик таълим инновацион кластери модели”

Бу модель таълим, фан ва ишлабчиқарыш интеграциясини таъминлашда таълим турлари ўртасидаги ҳамкорлик механизmlарини такомиллаштириш билан боғлиқ жараёнларни ўз ичига олади.



### Индивидуал таълим:

- Талабанинг таълимдаги мустақиллигини таъминлаш;
- Билим ҳамда салоҳиятларига ишонч билдириш;
- Ўз “мен”ини намоён қилишга бўлган интилишини рағбатлантириш;
- Эмоционал ҳолатларини ҳисобга олиш;
- Профессор-ўқитувчининг лидерлик ролини чеклаш, унга маслаҳатчи сифатида қараш;
- Талабаларнинг ривожланиши учун зарур шарт-шаройтлар яратиш;
- Шахс сифатида ривожланишига кўмаклашиб;
- Ижодкорлик ва танқидий фикrlашга йўналтириш.

### Университет олий таълимидаги илк маротаба кўшимча мутахассислик (квалификация) бериси тизимини йўлга қўйди.

Кўшимча мутахассислик талабаларга куйидаги имкониятларни тақдим этади:

- Битириувчилар тасдиқланган дастур асосида кўшимча квалификацияга эга бўладилар. Бунда қайта тайёрлаш курсларидан ўтмасдан кўшимча мутахассислик бўйича мактабгача, умумий ўрта, ўрта маҳсус ва профессионал таълим ташкилларида педагогик фан олият билан шугулланишхукуки берилади;
- Битириувчиларнинг иш билан таъминланишда даражаси ортади;
- Олис худудлардаги таълим ташкилларида кадрлар эҳтиёжи қондирлади;
- 2023-2024 ўкув йилида 100 нафардан ортиқ битириувчиларга асосий йўналишлари дипломи билан биргалиқда кўшимча мутахассислик (квалификация) дипломларига ҳам берилди.

## ЯНГИ

ЎЗБЕКИСТОНГА  
ПЕДАГОГ КАДРЛАРНИ ТАЙЁРЛАЙМИЗ

(Декан минбари)

Гуманитар фанлар факультетида Ўзбекистон вилояти тарихига оид кўлёзмалар, осори-атикалар, тарихий хужжатлар, экспозициялардан иборат Тарих илмий-тадқиқот маркази ва археология ўкув лабораториялари ташкил этилди. Экспозициялар халқимиз, авлодлар томонидан тақдим этилган ва архив хужжатларидан олинган тарихий манбалар билан бойитиб борилмоқда. Тарих йўналишига мос илмий-тадқиқот марказлари фаолияти натижасида талабалар фандан олинган назарияларни амалий фаолиятда қўллашга эришади, археологик экспедицияларни, дала тадқиқотларини ташкил қилиш ва уларда қатнашиш бўйича тегишли қўрсатмалар олади ва бу йўналишда янада етук кадр бўлишга муваффақ бўлади.

Тарих илмий-тадқиқот маркази фан ва таълим интеграцияси бажарилган илмий-тадқиқот натижаларини амалиётга жорий этишга қўмаклашиш, замонавий таълим кластери асосида тарих фанларини ўқитиш самарадорлигини оширишга хизмат килади. Бундан ташқари, худуднинг тарих фанлари бўйича илмий салоҳиятга эга педагог кадрларга бўлган эҳтиёжларини сифати қондириш бўйича тизимли ишларни ташкил килади.

Археология ўкув лабораторияси эса ўз фаолияти давомида фундаментал, амалий, инновацион, лаборатория экспериментал тадқиқотлар ва лойиҳаларга бино-

ан тажрибалар ўтказиш, археологик ва этнография тадқиқотларга оид халқаро тадбирларни ташкил этиш, хорижда ушбу соҳалар бўйича ўтказиладиган илмий-амалий тадбирларда иштирок этишини мақсад қилган. Шунингдек, археологик ва этнография тадқиқот натижаларини кенг оммага етказиш мақсадида мунтазам равишда илмий ва оммабоб китоблар, замонавий тадқиқот услублари сингидирсан ўкув қўлланма ҳамда қўрсатмаларни нашр қиласди. Тошкент вилояти ҳудудидаги археология обьектларини муҳофаза қилиш ва тадқиқ этиш фаолиятими илмий услугуб жиҳатдан таъминлайди.

Факультетда “Дўстлик маърифат маркази” ҳам ташкил қилинган бўлиб, асосан, миллатлараро бағрикенгликни тарғиб қилишни, миллий маданиятлар ривожига қўмаклашишни мақсад қилган. Бу борада Тошкент вилоятидаги таълим қозоқ, рус ва токик тилларида олиб бориладиган мактабларга илмий-услубий ёрдам қўрсатилмоқда, миллатлараро ва халқаро илмий анжуманлар, маданий тадбирлар ўтказилмоқда.

Талабалар бу маърифат маркази орқали ўзбек, қозоқ, токик ва рус маданияти тарихини, уларнинг халқ оғзаки иходини, қадимий кўлёзмаларини ўрганишга муваффақ бўляпти. Таъкидлаш керакки, марказ кўп миллатли ёш ижодкорларга ўз асарларини чоп этишга, кўр-

гамалар ташкил қилишга кўмаклашади.

Факультетдаги Юридик клиника талабаларда хуқуқ таълими бўйича амалий кўнкималарни шакллантириш ва ривожлантириш, ахолининг хуқуқий онги ҳамда маданиятини юксалтиришга қўмаклашади. Мазкур клиника талабаларга назарий билимларининг амалиёт билан уйғулнинг таъминлаш, жисмоний ва юридик шахсларга беғараз юридик ёрдам қўрсатиши ўрганиш, уларнинг юридик ва жисмоний шахслар мурожаатлари билан ишлар кўнкималарини шакллантириш орқали юридик соҳадаги профессионал тайёргарлик даражасини ошириш, клиниканинг фаолиятига оид материалларни ўкув жараёнига татбиқ этиш кабиларда ёрдам беради.

Факультетимизда жамоатчилик ташкилоти сифатида Талабалар академияси очилган. Унинг асосий мақсади индивидуал таълим технологиялари асосида талаба ёшларни ўкув, илмий-тадқиқот ва тарбиявий фаолиятларда ривожлантириш, иқтидорли талабаларни кашф қилиш, бу фаолиятни қўллаб-куватлаш учун асос яратиш, бир сўз билан айтганда, янги Ўзбекистонга янги педагог кадрларни тайёрлашдан иборат.

Талабалар академияси амалга оширилётган илмий тадқиқотлар, амалий тажрибалар ва инновацион ғояларни ишлаб чиқиши, жорий этишини, сама-



рали бошқаришни ва натижаларни асослашини таъминлайди. Натижалар қисқа фурсатда кўзга ташлана бошлади. Буни факультетимизда Президент ва номдор давлат стипендиялари совриндорлари, “Йил талабаси” танлови ғолиблари сони йилдан йилга ортиб бораётганида кўриш мумкин. Ўтган ўкув йилидан бошлаб факультетимиз талабалари санъатшунослик факультети талабалари билан тизимли интеграцион фаолиятни мувофиқлаштириш мақсадида “Тарих — санъат — маданият — графика” интеграцияси асосидаги фаолиятни янада ривожлантириш бўйича муҳим тадқиқотларни амалга ошириди.

**Равшан ИКРОМОВ,**  
Гуманитар фанлари факультети декани, профессор



Проректор  
мулоҳазаси

## ЁШЛАР - КЕЛАЖАК БУНЁДКОРЛАРИ

Ҳәстамига кириб келадиган ҳодисаларнинг қарори ҳам, йўналиши ва мақсадлари ҳам, шакли ва воситалари ҳам хилмашил. Уларни дабдурустдан англаш, тушуниш ва таҳлил қилиш жуда мушкул. Ҳодисаларни қабул қилиш ёки “ўтказиб юбориш” учун инсондан ўзига яратша, иқтиодий, диний, сиёсий, хукукий, ахлоқий, маърифий маданият ва дунёкараси тадаб қилинади. Айниқса, ёшларнинг бу борадаги дунёкараши ва билимни шаклланыш жараёнидаги сканий инобатга олсақ, улар фаолиятида бу жараён билан беғлиқ хатоликлар бўлиши табиий сканий намоён бўлади.

Глобаллашув шундай жараёнки, унга пассив муносабатда бўлган ёшлар ҳар доим ютказади. Бу жараёнда кузатувчи ёки кириб келадиган ёт гоя ва таъсирилардан ҳимояланувчи мақомида қолиши мумкин ёмас. Балки жамиятимизга ҳар хил йўл ва воситалар орқали кириб келадиган ёт, ҳатто вайронкор ғояларга қарши миллий ғоямиз, мағкурамиз, қадрият ва анъаналаримиз, боймаданий меросимиз, турмуш тарзимизни дунё ҳамжамиятига тарғиб қилиш билан жавоб беришмиз зарур.

Университет ёшлари бу борада етакчи бўлишлари шарт.

**Самариддин ҚОРАЕВ,**  
Ёшлар масалалари ва  
маданият-маърифий  
ишлар бўйича проректор

## БЛИЦ МУЛОҚОТ

Педагогика фанлари  
доктори, профессор Жаббор  
УСАРОВга юзландик:

— Талабаларингиз, умуман, ҳозирги ёшларнинг қайси хислатларини кўпроқ қадрлайсиз?

— Бугунги ёшлар ҳақида гапиргандা, аксарият ҳолларда уларнинг китоб ўқимаётганини, ҳаётга енгил муносабати, кийинчиликлариз ўзини яшаш истаги уступорлиги ҳақида фикрлар айтилади. Менга билим олишдан қочмайдиган, қийинчиликлардан қўрқмайдиган, аниқ мақсад кўя оладиган талабалар билан



ишлар ёқади. Билимли инсон бирорнинг дилини оғртмайди, ўзгалар меҳнатини қадрлайди. Ўзгалар заҳматининг қадрига етмаятими, демак у меҳнат қилишни ҳам хоҳламайди. Талабалардаги менга қадрли бўлган хислат мантиқий фикрлашдир.

## КАЙФИЯТ ВА ИЖТИМОИЙ ИНФРАТУЗИЛМА

Конкордия Университети (Concordia University) олимларининг тадқиқотларига кўра, таълим масакининг ижтимоий инфратузилмаси талабаларнинг ишчан кайфиятини шакллантиришда



механилар ва дам олиш худудлари талабаларни бирлаштириди ва уларнинг маънавий жиҳадтан ривожланишини кўлла б-қува таълимни қадрлайди. Ҳар доим жисмонан соғлом, кўркам ва фаол бўлишини иштаган талабаларни университетда барча шароитларга эга 24 та спорт обьектининг мавжудлиги, айниқса, кувонтиради. Бундай куайликлар ўзларнинг халқаро турнирларда иштирок этиши мөмкин. Масалан, талабаларимиз АҚШ, Хитой, Франция, Италия, Туркия, Япония ва Қозоғистон каби мамлакатлардаги турнирларда фаол иштирок этдилар.

Биз талабалар учун яратилаётган бундай куайликлар ўз вақтида ўқишимиз, ўз устимизда ишлашимиз ва юқори натижаларга эришишимизга замин яратади.

**Мунира БОЛТАЕВА,**  
“Чумоли талабалар” медиа  
гурухи раҳбари

## ЁМГИР

Эй шишиадек ёмғир томчиси,  
Тирнамагин қалбим дардини.  
Мен йўқотдим шаррос ёмғирда  
Юрагимнинг чин ҳамдардини.

Ҳар баҳорда найсон ёмғири  
Эслатади сени қайтадан.  
Осмонларга интилган дилим,  
Мажбур бўлар киймоққа кишиш.

Томчилагин, ёқин сен майин,  
Кўзим тўла ёш бўлди, ахир.  
Авайлагин севганим сайин,  
Бошингда тут ошиқни, ёмғир.

Сарин-сарин шаббода, ҳайда,  
Қувонч олиб келтиргин, ахир.  
Яшнаб кетсин токи ёш қалбим,  
Унутайин дардимни, ёмғир.

Ёмғир ёғар ана, майдалаб,  
Армонларим кетар парчалаб.  
Бу ёмғирга эргашиб диллар  
Ошиқ бўлди қанча-қанчалаб.

Майин ёқин, билурим ёмғир,  
Армон солма шу пок қалбимга.  
Қара, сенга неча ошиқлар  
“Шоир қани” дей талпинган.

**Хосият ПАНЖИЕВА,  
ЎТА токик йўналиши талабаси**

## ОНАМ КУЙЛАР МАЙИН ОВОЗДА

Сирли шамол сочим сийпалаб,  
Онам ҳидин эслатар аста.  
Қалбимни ҳис чулғаган они,  
Онам куйлар майин овозда.

Кўз олдимга келади шу он,  
Онам ёпган ўша иссиқ нон.  
Кафтим куйлаб ийгласам аста,  
Онам куйлар майин овозда.

Кўнглимни дард чўлғаб олганда,  
Қизин ўйлаб согинган онда.  
Кўзим ёшга тўлиб бокқанда,  
Онам куйлар майин овозда.

Бу овозга жоним пайваста,  
Бу овозга бўлайин банди.  
Дўстлар, асло соғинтирасин.  
Оналарнинг азиз дилбанди.

Мехри дарё, кўнгли ҳам оппо  
Мехрибоним, жаннатим мани.  
Онам дея чорласам аста  
Онам куйлар майин овозда...

**Шаҳризода МУМИНОВА,  
Математика ва информатика  
факультети талабаси**

Жамолингнинг ўтиға куймоқни дилдор, истадим,  
Куюк кўнглум дардига дармони дийдор истадим.

Кўз оллимдан ҳар неча ўти дунёлар жилвакор,  
Мен сенингдек маҳзани гавҳари шаҳвир истадим.

Майли берсанг журъайи ё тўлдириб жом ичра май,  
Ташна бўлдум ичгали, ваҳдати хуммор истадим.

Кўргали келдим жамоли жаннатий бояинг, эй хур,  
Ки бу кун ёзмоққа кўнглим сайдири гулзор истадим.

Мадинабону ошиғ-у, шайдой зоринг сенинг,  
Таъриф-у шавкатингга битмоқни ашъор истадим.

**Мадинабону САЛОВАТОВА,  
Мактабгача тарбия факультети талабаси**

Ушбу қўшсаҳифа Чирчик давлат педагогика  
университетининг Ахборот хизмати  
томонидан тайёрланди.